

**«Бекободцемент» АЖ  
акционерларининг 2016 йил 30 июндаги  
умумий йиғилиши  
1-2016-сонли баённомаси билан  
ТАСДИҚЛАНДИ**

**«БЕКОбОДЦЕМЕНТ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИДА ҲАРАКАТЛАНИШ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМИ**

## МУНДАРИЖА

<b>I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....</b>	<b>3</b>
<b>II. НИЗОМ ҚОИДАЛАРИ АМАЛ ҚИЛАДИГАН ШАХСЛАР ДОИРАСИ .....</b>	<b>3</b>
<b>III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....</b>	<b>4</b>
<b>IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ (ШАРОИТЛАРИ).....</b>	<b>4</b>
<b>V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.....</b>	<b>5</b>
<b>VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ.....</b>	<b>9</b>
<b>VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....</b>	<b>12</b>

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, «Бекободцемент» акциядорлик жамияти (келгуси матнларда “Жамият” деб юритилади) Устави, Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш тартибини белгилаб беради.

2. Жамият фаолиятини юритишда Жамиятнинг мулкӣ ва бошқа манфаатлари билан (бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари), кредиторлар, контрагентлар ва бошқа мижозлар (келгуси матнларда “Мижозлар” деб юритилади) манфаатлари тўқнашуви келиб чиқиши мумкин бўлиб, ушбу тўқнашувларга Жамиятнинг бошқарув органлари ва(ёки) ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида акционерларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига йўл қўйилиши мумкин.

Бундан ташқари, Жамият акциядорлари манфаатлари, бошқарув органлари ва акциядор (акциядорлар) манфаатлари ўртасида тўқнашув (корпоратив тўқнашув) юзага келиши мумкин.

3. Мазкур Низомда манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишининг қуйидаги ҳолатлари кўриб чиқилади:

- мажоритар акциядорлар (акцияларнинг йирик пакетига эга акциядорлар) билан миноритар акциядорлар (акцияларнинг катта бўлмаган қисмига эга акциядорлар) ўртасида;

- Жамият Бошқарув органлари билан унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида;

- Жамият Бошқарув органлари билан унинг назорат органлари, Жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлари ўртасида;

- зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш даврида Жамият ва Жамиятнинг мансабдор шахслари ўртасида.

## **II. НИЗОМ ҚОИДАЛАРИ АМАЛ ҚИЛУВЧИ ШАХСЛАР ДОИРАСИ**

4. Низом, эгаллаган лавозим даражасидан қатъий назар, Жамиятнинг Бошқарув ва назорат органларининг барча аъзолари ҳамда жамиятнинг барча ходимлари учун амал қилади.

5. Мазкур Низом талаблари фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида Жамият билан ҳамкорлик қилувчи жисмоний шахслар билан ўзаро имзоланган шартнома ёки унга илова қилинган ички ҳужжатларда белгиланган ҳолатларда ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, улар учун ҳам амал қилади.

### **III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

6. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- манфаатларнинг ҳақиқий ва юзага келиши мумкин бўлган тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишининг мажбурийлиги;
- ҳар бир манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқаришда уни индивидуал тарзда кўриб чиқиш ва Жамиятнинг обрўсига етказиши мумкин бўлган хавфини баҳолаш;
- манфаатлар тўқнашувини ошкор этиш ва уларни бартараф этиш жараёнининг қатъий махфийлиги;
- манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда Жамият бошқарув ва назорат органлари ҳамда ходимлар манфаатлари ўртасидаги тенгликка (нисбатга) риоя қилиш;
- ходим томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисида ўз вақтида хабар берилганлиги натижасида Жамият тўқнашувларни бартараф этгани (олдини олгани) учун шахсни таъқиб қилинишидан ҳимоя қилиш.

### **IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ (ШАРОИТЛАРИ)**

7. Жамиятнинг мажоритар билан миноритар акциядорлари, Жамият Бошқарув органлари билан унинг акциядорлари ўртасида ўртасида манфаатлар тўқнашуви қуйидаги ҳолларда юз бериши мумкин:

- қонунчилик ҳужжатлари, норматив актлар ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик;
- миноритар акциядорларнинг Жамият фаолиятига, акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Жамият Кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларига сезиларли даражада таъсир ўтказа олмаслиги;
- ваколатли органлар билан аввалдан келишилмаган ҳолда, йирик битимлар ва аффилирланган шахслар билан битимлар имзолаш;
- бошқарув органлари томонидан Жамиятнинг молиявий ҳолатининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилиниши;
- Жамият бошқарув органлари таркибига кирувчи шахслар томонидан бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида эгаллаган лавозимлари, бошқа жамиятлардаги эгалик улуши (акциялари) тўғрисида ахборотларнинг амалдаги қонунчилик доирасида ошкор этилмаслик ёки тўлиқ ахборот берилмаслиги.

8. Жамият Бошқарув органлари билан назорат органлари, Жамият мансабдор шахслари, ходимлари ва мижозлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви қуйидаги ҳолатларда юзага келиши мумкин:

- қонунчиликка, Жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларига риоя этмаслик;
- Жамият акционерлари манфаатларининг устунлиги тамойилларига риоя этмаслик;
- Жамиятнинг касбга оид этикаси ва муомала одобига риоя этмаслик;
- Жамият ва унинг мижозлари томонидан шартнома шартларининг бажарилмаслиги;
- қонунчилик ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган вазифаларнинг бажарилмаслиги.

9. Жамият ва Жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви қуйидаги ҳолларда юзага келиши мумкин:
- қонунчиликка, Жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларига риоя этмаслик;
  - Жамиятнинг касбга оид этикаси ва муомала одобига риоя этмаслик;
  - шахсан ўзи ёки оила аъзолари томонидан тижорат фаолиятининг олиб борилиши;
  - иш юзасидан Жамият ҳамкорлик қиладиган бошқа ташкилотда молиявий манфаатдорликнинг мавжудлиги;
  - бошқа ташкилотда раҳбар, мансабдор шахс сифатида ишлаш ёки унинг бошқарув органида иштирок этиш;
  - ўз манфаатини кўзлаб Жамият манфаатларига зид равишда бошқа ташкилотлар фаолиятига имконият яратиш.

## **V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

10. Жамият Устави ва унинг ички ҳужжатларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишнинг умумий механизмлари кўзда тутилган.

Мазкур Низом билан Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар ва ходимлари учун мажбурий бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари белгиланган.

11. Юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Жамият бошқарув ва назорат органлари, унинг мансабдор шахслари ва ходимлари:

қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар, Жамият Устави ҳамда ички ҳужжатлари талабларига риоя этишлари;

узоқ ва ўрта муддатларда Жамиятнинг барқарор фойда олиб ишлашини таъминлаш;

манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширмасликлари ёки қарорлар қабул қилмасликлари;

Жамиятни самарали бошқарилишини таъминлашлари;

Жамиятни ноқонуний фаолият билан шуғулланишга, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга жалб қилиш имкониятига йўл қўймасликлари;

маҳсулот (иш ва хизматлар) ишлаб чиқишда энг юқори самарадорликка эришиш имкониятини таъминлаш;

Жамият бошқарув органларига ҳар чоракда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисобот бериб бориш;

Жамият Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;

қонунчиликда ёки Жамият Уставида белгиланган миқдорлардан юқори миқдорда бўлган йирик битимлар, алоҳида битимлар ёки бир-бирига боғлиқ

бир қатор битимлар лойиҳаларини Жамият Кенгаши муҳокамаси учун тақдим этиш;

йирик битимлар ҳамда аффилирланган шахслар билан битимлар шартларини назорат органлари томонидан ўрганилишини амалга ошириш;

зарурат бўлганда, битимларни амалга ошириш бўйича Жамият Кенгаши томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ қарор қабул қилинганда мулкнинг бозор нархини аниқлаш учун мустақил баҳоловчиларни жалб қилиш

аффилирланган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобининг юритилишини таъминлаш;

қўйидагилар билан битимларни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш ва унга риоя қилинишини таъминлаш:

а) аффилирланган шахслар билан;

б) Жамият акциядорлари ва уларнинг аффилирланган шахслари билан;

Жамият бошқарув органлари билан аввалдан келишмасдан йирик битимлар ва аффилирланган шахслар билан битимларни бажармаслик;

Жамиятнинг юқори турувчи органи рухсатсиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида мансабдор лавозимларини эгалламаслик;

Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотларни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ равишда, қўшимча ахборотларни Жамиятнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомга мувофиқ ошкор қилиш;

бухгалтерия ҳисоботлари, чоп этиладиган, Жамият акциядорлари ва мижозларига, тартибга солувчи ва назорат қилувчи органларга ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга, шу жумладан реклама мақсадида, бериладиган бошқа ахборотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

Жамиятда мавжуд ахборотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган шахсларнинг улардан ўзларининг шахсий мақсадларида фойдаланишининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбаларда Жамият тўғрисида салбий маълумотлар ва ахборотларнинг ҳаққонийлиги ва объективлигини ўз вақтида ўрганиб чиқиб баҳолаш. Салбий ва ҳаққоний бўлмаган ахборотларнинг юзага келишига ўз вақтида эътибор қаратиш ва жавоб бериш;

Жамиятнинг ички назорат тизимида мавжуд камчиликларни аниқлашда иштирок этиш;

Жамият бошқарув органлари аъзоларига тўланадиган мукофотларнинг Жамиятнинг молиявий ҳолатига адекватлигини таъминлаш, шунингдек Жамият фаолиятида эришилган натижаларнинг режалаштирилган кўрсаткичларга қанчалик мувофиқлигини аниқлаш;

Жамиятнинг касбга оид ва корпоратив этикаси кодексига риоя этиш шарт.

12. Жамият акциядорлари ўртасида, шунингдек Жамият бошқарув ва назорат органлари, Жамият мансабдор шахслари, ходимлари ва акциядор (акциядорлар) ўртасида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлар қуйидагиларга **мажбур**:

Жамият акциядорларининг Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни, меъёрий актлар, Жамият Устави ва ички ҳужжатларида белгиланган мажоритар ва миноритар ҳуқуқларига риоя қилиш;

Қонунчиликка мувофиқ ошкор этилиши керак бўлган маълумотларни акциядорларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш;

ҳисобланган дивидендларни ўз муддатида тўлаб бориш;

акциядорларга тўқнашув учун сабаб бўлиши мумкин бўлган масалалар юзасидан мукамал ахборотни етказиш;

рақобатчи Жамиятнинг акцияларини (улуши) сотиб олишда Жамият бошқарув органи аъзоларининг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни ҳамда ушбу шахсларнинг бошқарув органларида иштирок этиш ҳолатларини аниқлаш;

қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг объектив, ҳар томонлама ўйлаб кўрилган ва мустақиллигини таъминлаш мақсадида Жамият Кенгаши таркибига мустақил аъзоларнинг сайланишига интилиш;

13. Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, Жамият ходимлари билан Мижозлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун бошқарув ва назорат органи, мансабдор шахслар ва ходимлар шунингдек қуйидагиларни бажаришлари шарт:

Жамият тўғрисида ахборотларни белгиланган тартибда тақдим қилинишини таъминлаш

конфиденциал ва бошқа ахборотлар фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

товарлар (хизматлар) учун мижозлардан улар билан ўзаро келишилган асосда имзоланган шартномага асосан, ёки маълумот тўлиқ берилган тарифларга асосан ҳақ олиш;

Жамият обрўсига путур етказиши мумкин бўлган битимларни амалга оширмаслик;

ўз мижозларига товарлар (хизматлар)ни профессионал даражада сидқидилдан астойдил сотиш;

мижознинг хатога йўл қўйганлиги шубҳасиз аниқ бўлган ҳолатларда ходимлар томонидан англаб туриб ўз манфаатлари йўлида шароитдан фойдаланишга йўл қўймаслик (шу жумладан Мижоз томонидан имзоланган

талабнома, шартнома ёки бошқа ҳужжатларда хатога йўл қўйилганида). Бундай хато мавжудлиги аниқланганда, Жамият ходими мулоҳаза билан иш тутиб, бундай ҳужжатдан фойдаланишнинг олдини олиши ва Мижозга бу тўғрисида хабар бериш чораларини кўриши лозим;

ҳар бир муайян масала бўйича виждонан қилинган таҳлиллар асосида Мижозга тавсияларнинг берилишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида шакллантирилган, олинган ёки тўпланган, Жамият сири ёки тижорат сири ҳисобланган, Жамиятда қоғоз, магнит ёки бошқа ташувчиларда мавжуд бўлган ахборотларни сақлаш, Жамият бошқарув органи ёки ваколатли мансабдор шахслар рухсатсиз учинчи шахсларга сотиш, топшириш, нусха кўчириш, кўпайтириш, алмаштириш ва тарқатишнинг бошқа усуллари қўллаш ёки улар тиражининг кўпайтирилишининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш.

14. Жамият билан мансабдор шахслар ва ходимлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун бошқарув ва назорат органи, мансабдор шахслар ва ходимлар қўйидагиларни бажаришлари шарт:

муомала одоби ва Жамиятнинг касбга оид этика тамойилларига риоя этиш;

шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Жамиятнинг рақобатдош ташкилоти акцияларини (улуши) сотиб олиши тўғрисида юқори лавозимдаги мансабдор шахс ёки бошқарув ва назорат органига хабар бериш;

манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида юқори лавозимдаги мансабдор шахсни хабардор қилиш;

Жамиятнинг мансабдор шахси ёки унинг оила аъзолари Жамият музокара олиб бораётган ёки тижорат фаолиятини олиб боришни режалаштираётган ташкилотдан молиявий манфаатдор эканлиги тўғрисида хабардор бўлганда юқори лавозимдаги мансабдор шахсга ёзма ахборот бериш;

мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари молиявий манфаатдор бўлса ёки аффилирланган шахслар ҳисобланса, Жамият ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир этадиган ҳар қандай фаолиятдан ҳолис бўлиш;

Жамият манфаатларига зид бўлган манфаатларга эга бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида иштирок этишдан олдин Жамият юқори турувчи органларининг ёзма рухсатини олиш;

бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ишлашни режалаштираётгани тўғрисида юқори лавозимдаги мансабдор шахсга олдиндан маълум қилиш ва кўзда тутилаётган иш Жамият манфаатларига зид эмаслигини тасдиқловчи маълумот тақдим қилиш.

## **VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БАРАТАРАФ ҚИЛИШ**

15. Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини баратараф қилиш учун Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва



ходимлар мазкур муаммони қонуний жихатдан тўғри ва асосланган, Жамият манфаатларига жавоб бера оладиган йўл билан ҳал қилиш мақсадида суд жараёнигача бўлган тадбирларни амалга оширадilar.

16. Мансабдор шахслар акциядорлар ва Мижозларнинг бошқарув ва назорат органлари, таркибий тузилмалар номларига келиб тушган хатлари, аризалари ва талабларини (шу жумладан оғзаки) ўз вақтида ҳисобини юритилиши ва кўриб чиқилишини таъминлаши шарт.

17. Корпоратив тўқнашувдар ҳисобини юритиш вазифаси Жамият корпоратив котибига юклатилади. Жамият корпоратив котиби аввал корпоратив тўқнашувни ўрганиб унга баҳо беради, масала моҳияти юзасидан тегишли ҳужжатларни тайёрлайди ва Жамият кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда, Жамиятда мазкур корпоратив муаммони кўриб чиқиш ваколати берилган органга топширади.

18. Жамият корпоратив котиби акциядорларнинг кўпинча учрайдиган саволлари ва талабларини таҳлил қилади, мазкур масалалар юзасидан қўшимча ахборотларни акциядорларга бериш бўйича қарорлар қабул қилади ва/ёки ички тартиблар ва қўлланмаларга ўзгартириш киритиш, шу каби муурожаатларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш бўйича Жамият ваколатли органи раҳбарига таклифлар киритади.

19. Юзага келган низо тўғрисида Мижоздан ёки бошқа манбадан ахборот олган ходим бу тўғрида зудлик билан юқори лавозимни эгаллаган мансабдор шахсга хабар бериши шарт. Низони таркибий тузилманинг ўзида ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, таркибий тузилма бошлиғи бир иш куни давомида ижро органи раҳбарига ёки унинг ўринбосарига юзага келган низо, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш бўйича қўрилган чоралар тўғрисида ахборот бериши шарт. Ижро органи раҳбари ёки унинг ўринбосари низони бартараф этиш тартибини белгилайди ва ваколатли шахсни тайинлайди. Зарурият юзага келганда низоларни ҳал қилиш бўйича комиссия тузилади.

20. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш бўйича барча чораларни кўради. Низони ҳал қилиш имконияти бўлмаганда Жамият ижро органи раҳбари мазкур масалани Жамият Бошқаруви муҳокамасига киритади ва низо тўғрисида Жамият кузатув кенгашига маълумот юборади.

21. Мазкур ахборот Жамият Кузатув кенгаши ҳузуридаги низоларни аниқлаш ва ҳал қилиш масалалари бўйича ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилади.

22. Низолар тўғрисидаги маълумотлар низоларнинг қайсидир бир босқичида Жамият ижро органи раҳбари ёки унинг ўринбосарлари манфаатларига даҳлдор бўлса ёки таъсир қилиши мумкин бўлса, кўмита (комиссия) томонидан кўриб чиқилиши ва мазкур масала юзасидан хулоса

берилиши ҳамда низони ҳал қилиш бўйича қарор қабул қилиш учун уч иш куни ичида Жамият Кузатув кенгашига тақдим қилади.

23. Низоларни ўрганиш натижасида Жамиятнинг янги ички ҳужжати ишлаб чиқиш ёки амалдаги ҳужжатга ўзгартириш киритиш зарурияти юзага келса, Жамият Кузатув кенгаши ёки ижро органи янги ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки амалдаги ҳужжатга ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

24. Жамият бошқарув органлари Жамиятда юзага келадиган ҳар қандай манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

зудлик билан юзага келган манфаатлар тўқнашувини ва уларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаши;

Жамият бошқарув органларининг ваколатлари ва жавобгарлиги чегарасини аниқ белгилаш;

низони ҳал қилиш бўйича Жамиятда ваколатли шахсни тайинлаш, зарурият юзага келганда тўқнашувни бартараф этиш учун комиссия ташкил этиш;

жуда қисқа вақт ичида низонинг моҳияти юзасидан Жамиятнинг ўз фикр-мулоҳазасини (ўрнини) белгилаш, тегишли қарор қабул қилиш ва низонинг иккинчи тарафига етказиш;

юзага келган низонинг бутун тафсилотлари ҳамда Жамиятнинг ўз фикр-мулоҳазаси тўлиқ баён қилинган мукамал жавобни қарши тарафга юбориш. Қарши тараф илтимоси ёки талабини қондиришни рад этиш бўйича юбориладиган ахборотни амалдаги қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар, Жамият акциядорлари Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамият Устави, ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ асосланган ҳолда бериш;

низони ҳал қилишда иштирок этаётган ваколатли шахс мазкур низо ўзининг ёки ўз оила аъзолари манфаатларига даҳлдор эканлиги тўғрисида дарҳол хабар бериши лозимлигини таъминлаш;

шахснинг ўз манфаатларига даҳлдор ёки даҳлдор бўлиши мумкин бўлган низони кўриб чиқиш, ҳал қилиш ва қарор қабул қилишда иштирок этишининг олдини олиш;

25. Жамият акциядорлари, бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасидаги корпоратив низоларни ҳал қилиш учун:

Кенгашнинг мустақил аъзоси Жамият акциядорлари ўртасида юзага келган низони ҳал қилишда воситачилик қилиши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органлари акциядорлар ўртасидаги музокарада иштирок этиши, низога оид мавжуд ахборотлар ва

хужжатларни акциядорларга тақдим қилиши, қонунчилик, Жамият Устави ва ички ҳужжатлар нормаларини тушунтириши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органлари акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар берадилар, низоларни ҳал қилиш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини акциядорлар имзолаши учун тайёрлайдилар, акциядорлар олдида Жамият номидан ўз ваколатлари доирасида низони ҳал қилишга имконият яратиши мумкин бўлган даражадаги мажбуриятларни оладилар;

Жамият бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида корпоратив низоларни ҳал қилиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ҳамда Жамият ва низо иштирокчиси ўртасида имзоланган келишувларнинг бажарилишини ташкил қилишлари лозим. Жамият ва низо тарафи ўртасида ўз мажбуриятлари бўйича тортишувлар бўлмай, уларни бажариш тартиби, усули, муддати ва бошқа шартлари бўйича келишмоқчиликлар бўлган ҳолатларда, Жамият низо иштирокчисига ушбу келишмоқчиликларни ҳал қилишни таклиф қилиши ва акциядорлар талабларини қондириш шартларини баён қилиши лозим;

Жамиятнинг акциядорлар талабларини қондириш бўйича розилиги ўз томонидан амалдаги қонунчиликда, Жамият Устави ёки меъёрий ҳужжатда белгиланган шартда бирор бир ҳаракатни амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, ушбу шартларни Жамият ўз жавобида албатта келтирилиши ҳамда уларни бажариш учун зарур ахборотларни берилиши шарт (масалан, акциядорлар томонидан сўралган ҳужжатларни нусхаларини тайёрлаш бўйича тўлов миқдори, Жамият реквизитлари ва ҳоказо);

26. Берилган тадбирлар рўйхати тўлиқ ҳисобланмайди. Юзага келадиган манфаатлар тўқнашувининг ҳар бир алоҳида ҳолатида низолар аниқ муайян усулда ҳал қилиниши мумкин.

## **Ҳ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

27. Мазкур Низом. Шунингдек унга киритиладиган қўшимчалар ва ўзгартиришлар Жамият акционерлари умумий йиғилиши томонидан кўпчилик овоз бериш йўли билан тасдиқланади

28. Мазкур Низомнинг алоҳида нормалари Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчиликка ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддаларга оид масалалар Низомга тегишли ўзгартириш киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчилик ва/ёки Жамият Уставида белгиланган тартибда ҳал қилинади.